

4 - МАЪРУЗА:

Ёнғинда мажбурий
эвакуация жараёни

РЕЖА:

1. Мажбурий эвакуация жараёни, эвакуация режаси.
2. Одамлар оқимининг ҳаракат ўлчамлари.
3. Эвакуация йўллари ва ўлчамлари.
4. Эвакуация вақтини аниқлаш.

Мажбурий эвакуация жараёни, эвакуация режаси

- Бино ва иншоотларда одамларни ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараённи кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнғин ёки zilзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.
- Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охириги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиш эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва иншоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

- Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиш эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган ҳаракати киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуация иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.
- Учинчи поғонага одамларни юқори қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи қаватда зинахонадан чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.
- Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фое ва тамбур орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

- Саноат корхоналари бино ва иншоотларида одамларни ҳаракатланиб юриши, ёрдамчи вазифаларга киради ва уни амалга ошириш учун махсус майдонлар (йўлаклар, зинапоялар, кириш ва чиқиш жойлари) ажратилади.
- Фуқаро ва жамоа биноларидаги алоқа хоналари ҳисобланмиш қисмида (коридор, даҳлиз, ровон-фое, зинахона ва б.р.) эса одамларни ҳаракатланиши асосий функционал жараёнга киради.
- Алоқа тармоқлари аталмиш бундай хоналарнинг сатхи кўпчилик ҳолларда, бинонинг умумий фойдали майдонининг 30% дан зиёроқ қисмини ташкил этади. Бундай хоналар бино ва иншоотларда қанчалик тўғри жойлаштирилган бўлса, уларни лойиҳавий эчимлари шунчалик фойдаланиш учун қўлай бўлади.

- **Эвакуация йўллари** деб, бино ва иншоотларда хавфли ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, қисқа вақт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимига айтилади.
- Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги махсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.


- Эвакуация вақтида бинодан чиқиш эшиклари иккитадан кам бўлмаган ҳолда лойиҳалаштирилади. Хоналардан чиқиш эшиклари ва бинодан чиқиш дарвозалари бир-биридан маълум масофада узоқлаштирилган бўлади.
- Агар хонанинг майдони катта бўлиб, ундан чиқиш эшиклари иккитадан ортиқ бўлса, улар орасидаги энг қисқа масофа қуйидаги формула орқали аниқланади

$$L \geq 1,5П$$

П - хона майдонининг томонлар йиғиндиси, м.

- Эвакуация вақтини аниқлашда лифт ва эскалатор ускуналаридан фойдаланиш ҳисобга олинмайди.

«Нима учун?» чизмаси ёрдамида.....



Назорат саволлари

1. Мажбурий эвакуация жараёни нима?
2. Эвакуация режаси нима ва у қандай тузилади?
2. Эвакуацияда одамлар оқимининг ҳаракат ўлчамлари қанақа аниқланади?
3. Эвакуация йўллари ва ўлчамлари қандай белгиланади?
4. Эвакуация йўлларига бинонинг қанақа элементлари киради?
5. Эвакуация вақти қандай аниқланади?

Эътиборларингиз учун раҳмат!